

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16998 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,5 фоизи (2016 йил январь-июнда 67,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июн ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 834,2 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 82,7 фоизи), шу жумладан банд бўлғанларнинг 574,7 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 139,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар хиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1415,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 71,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 110,7 фоизга ўсади;

- 1586,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 105,5 фоизга (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,1 фоизи) ўсади.

- 660,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 56,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 126,5 фоизга ўсади;

- 678,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,1 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 110,4 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,7 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 105,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 91,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,6 фоизи ёки 2851,9 млрд. сўми (ўсиш 111,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 72,5 фоизи ёки 1645,4 млрд. сўми (ўсиш 109,3 фоиз) шакллантирилди;

2017 йилнинг январь-июн ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
--	---	--

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1586,5	99,1
Саноат	1415,6	71,4
Курилиш	678,1	58,0
Чакана савдо	2851,9	92,6
Юк ташиш, млн тн.	20,9	85,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	198,7	94,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	82,9	91,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	132,6	90,8

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

